



# Vaziyat

2023 йил  
31 август  
№ 35 (924)



Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



## ИСТИҚЛОЛ ТАНТАНАСИ

ФВВ Марказий аппаратида мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллигига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор Абдулла Қўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши масъул ходими Соҳибжон Убайдуллаев, шунингдек, вазирлик фахрийлари, ҳарбий хизматчи ва хизматчилар иштирок этдилар.

Тадбирда вазир генерал-майор А.Қўлдошев сўз олиб, мустақиллик йилларида мамлакатимизда, хусусан, вазирлик тизимида олиб борилаётган улкан ислохотлар ва уларнинг ўзига хос самараларига тўхталди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан соҳада олиб борилган

янгиланиш ва ислохотлар вазирлик тизимини, чинакам маънода, ҳалқимиз учун яқин ва ишончли тузилмага айлантирди.

Бугун ФВВ қутқарувчилари мамлакатимиз, шу билан бирга, хориж мамлакатларида турли тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.



Албатта, уларнинг матонатли ва жасоратли хизматлари давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонига кўра, ФВВ тизимидан бир гуруҳ ходимларнинг юксак давлат мукофотлари билан тақдирланганлигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Тадбир давомида давлат мукофотлари ўз эгаларига

вазир томонидан тантанали равишда топширилди. Шунингдек, вазирлик тизимининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари ва хизматчиларига эсдалик совғалар, навбатдаги ҳарбий унвонлар топширилди.

Тантанада сўзга чиққанлар бугунги Янги Ўзбекистон даврида амалга оширилаётган оқилona ислохотлар ва уларнинг вазирлик тизимидаги ҳаётбахш самараларини алоҳида қайд этиб, соҳа ходимларининг хизмат фаолиятига кўрсатилаётган эътибор ҳамда ғамхўрлик учун улкан миннатдорлик билдирдилар.

Масрур САНАЕВ,  
“Вазият” мухбири.

# МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллиги муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Фармониغا асосан Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бир гуруҳ ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирландилар.



Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги  
раҳбарияти ва шахсий таркиби  
давлат мукофотлари билан  
тақдирланган сафдошларимизни  
самимий муборакбод этади.

“Мардлик” ордени билан



**Сотиев Хуршид  
Тўлқинбоевич**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар ва-  
зирлиги бош бошқармаси  
бошқарма бошлиғи



**Насруллаев Иномжон  
Эркинович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика  
қутқарув маркази хизмат  
бошлиғи



**Шарапов Динмухаммад  
Равшанбекович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика  
қутқарув маркази отряд  
уста-қутқарувчиси

“Жасорат” медали билан



**Акбаров Ботир Шокир ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика қутқарув  
маркази қидирув-қутқарув  
отряди уста-қутқарувчиси



**Асадов Бекзод  
Махсуд ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика қутқарув  
маркази отряд  
ғаввос-қутқарувчиси



**Ёдгоров Отабек  
Олимжанович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика  
қутқарув маркази отряд  
фельдшер-қутқарувчиси



**Икратов Шовкат  
Адхамович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика қутқарув  
маркази отряд ҳайдовчи-  
қутқарувчиси



**Исматов Фаррухжон  
Комилджонович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика қутқарув  
маркази гуруҳ командири



**Маҳмудов Баҳодир  
Мансур ўғли**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика  
қутқарув маркази отряд  
йўриқчи-қутқарувчиси



**Ўралов Сирожиддин  
Бектемирович**  
Ўзбекистон Республикаси  
Фавқулодда вазиятлар  
вазирлиги Республика  
қутқарув маркази  
гуруҳ командири

## ФВВ ТИЗИМИДА ҚАТОР ТАЙИНЛОВЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ

Фавқулдда вазиятлар вазирининг буйруғи билан ҳудудий бошқармалар бошлиқларига ўринбосарлар тайинланди.

**Майор Қосимхўжаев Хусниддин Хусанович** – Қашқадарё вилояти ФВБ бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Сурхондарё вилояти ФВБ бошлигининг Молия-иқтисод ва моддий-техник таъминот бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Хакимов Ўринбой Донаевич** – Қашқадарё вилояти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Сурхондарё вилояти ФВБ бошлигининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Рахметов Хайрулло Шарифбоевич** – Сирдарё вилояти ФВБ бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Хоразм вилояти ФВБ бошлигининг Фавқулдда вазиятлар профилактикаси бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Майор Рахимов Беҳзод Юлдашевич** – Жиззах вило-

яти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Хоразм вилояти ФВБ бошлигининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Рахимов Абдурасулжон Собиржонович** – Андижон вилояти ФВБ бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Наманган вилояти ФВБ бошлигининг Фавқулдда вазиятлар профилактикаси бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Ражапов Бахромжон Гуломжонович** – Наманган вилояти ФВБ бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Андижон вилояти ФВБ бошлигининг Фавқулдда вазиятлар профилактикаси бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Равшанов Ғолиб Исомиддинович** – Сурхондарё вилояти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар

билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Самарқанд вилояти ФВБ бошлигининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Остонов Мирзохид Ёриевич** – Қашқадарё вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Қашқадарё вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Норқулов Мансур Уралович** – Бухоро вилояти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Самарқанд вилояти ФВБ Табиий ва техноген хусусиятли фавқулдда вазиятлар бўлими бошлиғи лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Маматов Ўткир Бахтиёрович** – Самарқанд вилояти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Бухоро вилояти ФВБ бошлигининг

Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Полковник Бобонов Хусан Алишерович** – Сирдарё вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Қашқадарё вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига фаолият юритган.

**Полковник Ашуров Ботир Муқимович** – Фарғона вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Андижон вилояти ФВБ бошлигининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Абдуллажонов Шерзод Насриддин ўғли** – Сурхондарё вилояти ФВБ бошлигининг профилактика бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Сирдарё вилояти ФВБ бошлигининг Фавқулдда вазиятлар профилактикаси бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Абдуллаев Нодиржон Нарзуллаевич** – Хоразм вилояти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар

билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Қашқадарё вилояти ФВБ бошлигининг Кадрлар, тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига фаолият юритган.

**Полковник Режепов Бахтиёр Бабаханович** – Навоий вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Сирдарё вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига фаолият юритган.

**Подполковник Мухамеджанов Шахбоз Бахтиёрович** – Тошкент вилояти ФВБ бошлигининг биринчи ўринбосари-Штаб бошлиғи лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Тошкент вилояти ФВБ Чирчиқ шаҳар ФВ бўлими бошлиғи лавозимига фаолият юритган.

**Капитан Мансуров Мақсуд Маҳкамович** – Тошкент вилояти ФВБ бошлигининг Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш бўйича ўринбосари лавозимига тайинланди. Тайинловга қадар Тошкент вилояти ФВБ Давлат тизими ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи лавозимига фаолият юритган.



## МАЛАКА СИНОВИ

Қашқадарё вилоятида Фавқулдда вазиятлар вазири генерал-майор А.Қўлдошев бошчилигида Энергетика вазирлиги билан ҳамкорликда навбатдаги қўмондонлик-штаб ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи давомида электр энергияси ва газ таъминоти билан боғлиқ фавқулдда вазиятлар содир бўлганда мутасадди ташкилотларнинг ҳаракатларини ўрганиш, кузқиш мавсумида энергетика объектларининг барқарор, узлуксиз ва хавфсиз фаолият юритиши-

ни таъминлаш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини оширишга асосий эътибор қаратилди.

Машғулот якунида амалий ҳаракатлар муҳокама қилиниб, мутасаддиларга зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

ФВВ Матбуот хизмати.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Фавқулдда вазиятлар вазири ва Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳамкорлигида “Орол денгизининг сувсиз ҳудудида ўрмонзорлар барпо этиш тадбирлари” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Анжуманда таъкидланганидек, Орол бўйида экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш, келгуси авлодлар учун беғубор табиий муҳитни сақлаб қолиш, наботот ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш муаммоларини изчил ҳал этиш, биологик хилма-хиллик қисқаришининг олдини олиш,

иқлим ўзгариши билан боғлиқ салбий оқибатларга қарши курашиш ва яна қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2018-2022 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги Орол денгизининг суви қуриган ҳудудида 1,6 млн. гектар майдонда чўл ўсимликларининг уруғи ва кўчатидан “яшил қопламалар” ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Ўрмон хўжаликлари ишчи-ходимлари ва аҳоли томонидан 6,4 минг тонна саксовул ва бошқа чўл ўсимликларининг уруғлари жамғарилди. Шундан, 1,3 минг тоннадан ортиқ уруғлар Мўйноқ тумани аҳолиси томонидан тайёрланди. 1,3 минг гектар ер тайёрлаш (баразда) ишлари бажарилди.

Бу каби саъй-ҳаракатларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муҳими шундаки, ҳозирда Орол денгизининг сувсиз ҳудудида ўрмонзорлар барпо этиш билан боғлиқ тадбирлар минтақада экологик вазиятни тобора яхшилашга хизмат қилмоқда.

ФВВ Матбуот хизмати.



“Тошкент-Ўш” халқаро автомобиль йўлининг стратегик қисми ҳисобланган “Қамчиқ” довонида Фавқуллода вазиятлар, Мудофаа, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат Геология кўмитаси, “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК каби қирққа яқин ташкилотлардан иборат Фавқуллода вазиятлар давлат тизимининг куч ва воситалари жалб қилиниб, кўмондонлик-штаб ўқув машқлари ташкил этилди.



## Кўмондонлик-штаб ўқув машқи

Машқ режасига кўра, механизация ишлари йиғма командасига кирувчи махсус муҳандислик техникалари ҳамда “Қамчиқавтойўл” ИЙФУК машина ва механизмлари билан ўтказилган саф кўригидан сўнг А-373 “Тошкент-Ўш” автомобиль йўлининг 298 км.да жойлашган “Қамчиқ” туннели ичида ҳаракатланиб кетаётган хавфли юк ташувчи юк автомобили ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб, ЙТХни келтириб чиқарган. Натижада юк автомобили ҳайдовчиси жароҳатланган, тирбандликлар ҳосил бўлиб, автомашина ка-

бинасида ёнгин келиб чиққан. Жабрланувчига ёрдам кўрсатилиб, ёнгин ўз вақтида бартараф этилди. Шунингдек, 35/6 кВт қувватли “Қамчиқ” ним станциясида электр таъминотида кучланишнинг ошириб кетиши оқибатида келиб чиққан қисқа туташувда жароҳатланган 2 нафар авария-тиклаш хизмати ходимини қутқариш ва электр энергия таъминоти тиклаш ишлари бажарилди. “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг 38 км. оралиғида юк ташиш поезда темир йўл изидан чиқиб кетиши туфайли жароҳат

олган 1 нафар электровоз машинистига ёрдам кўрсатилди, авария оқибатлари бартараф этилди, қидирув-қутқарув ишлари амалга оширилди.

Автомобиль йўлининг 244 км. ҳудудида тоғ ёнбағирликларидан ўтган юқори кучланиши электр таъминоти тизими электр симларининг узилиши натижасида Фарғона водийсига электр таъминоти тизимида узилишлар юзага келиб, электр таъминоти тиклаш ишлари бажарилди. “Омад” автомобилларга газ қуйиш шохобчасида технологик жараён бузилиши нати-

жасида келиб чиққан авария ва ёнгин натижасида жароҳатланган ишчига биринчи ёрдам кўрсатилди, ёнгин оқибатлари бартараф этилди.  
Машқ давомида кўп-лаб амалий ҳаракатлар бажарилиб, шартли фавқуллода вазиятлар бартараф қилинди. Тадбир якунида ўтказилган муҳокамада мутасаддиларга эришилган ютуқлар билан бир қаторда йўл кўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш юзасидан зарур курсатма ҳамда тавсиялар берилди.

**Ш.АБДУСАТТОРОВА,**  
“Қамчиқ” МҚЁҚБ  
бош мутахассиси.

## ХОДИМЛАР УЧУН

Тахياتош иссиқлик электростанцияси АЖ-да куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган ёнгин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятларнинг олдини олиш мақсадида “Бошқарув органи, ФВДТ ҳудудий ва функционал қуйи тизимларининг куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган фавқуллода вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқ ўтказилди.



Машқ давомида ёнгин-қутқарув хизматларининг ёнгин ва бошқа тусдаги фавқуллода вазиятлар юзага келганда тўғри ҳаракатланишга оид тайёргарлиги даражаси синондан ўтказилди.

Амалий жараёнларга жами 111 нафар ходим, 12 та автотехника жалб этилди.

Тадбир якунида ўтказилган йиғилишда машқ давомида эришилган ютуқлар, йўл кўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, мутасаддиларга зарур тавсия ва курсатмалар берилди.

**С.ҚУРБОНБОЕВ,**

Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ «Тахياتош ИЭС» АЖ ОЁХТТЭБ 28-ЁҚҚ бошлиғи, майор.

## TAYYORGARLIK

Dehqonobod tumani FV bo'limi va FVDT xizmatlari bilan hamkorlikda tuman gaz ta'minoti bo'limida “Obyekt hududida sodir bo'lishi mumkin bo'lgan tabiiy va texnologiyalardagi favqulodda vaziyatlar oqibatlarini bartaraf etishda FVDT xizmatlarining hamkorlikdagi harakatlari” mavzusida ko'rgazmali maxsus-taktik o'quv mashqi o'tkazildi.

Mazkur tadbir davomida jabrlanganlarni qutqarish, birinchi tez tibbiy yordam ko'rsatish, sodir bo'lgan yong'inni bartaraf etish, elektr va gaz tarmoqlarida yuzaga kelgan nosozliklarni bartaraf etish, sanitar dizinfeksiya qilish bo'yicha o'quv nuqtalarida amaliy harakatlar olib borildi.

**Y.MENGLIYEV,**

Dehqonobod tumani FV bo'limi bo'linma boshlig'i, katta leytenant.

Farg'ona viloyati FVBda “E-inspektor” va “E-ma'muriy” dasturiy ta'minot tizimlarida Davlat yong'in nazoratini amalga oshiruvchi harbiy xizmatchilarning bilim va ko'nikmalarini oshirish maqsadida o'quv-amaliy mashg'ulotlari bo'lib o'tdi.

## MARKAZDA SAVOQ



Mashg'ulotlar davomida mas'ul xodimlar tomonidan, davlat yong'in nazoratini amalga oshirishda bevosita ishtirok etadigan mansabdor shaxslarga amaldagi qonunlar, qarorlar, farmoyishlar va buyruqlarda belgilangan huquq va majburiyatlarni yana bir bor ta'kidlandi. “E-inspektor” dasturiy tizimidan foy-

dalanishda yuzaga kelgan muammolarni bartaraf etish yuzasidan zarur tavsiyalar berildi.

O'quv-amaliy mashg'ulotda harbiy xizmatchilar o'z savollari haqida mas'ullardan javob oldilar.

**Zafar QODIROV,**  
Farg'ona viloyati  
FVB bo'lim boshlig'i,  
podpolkovnik.

## BELLASHUV

O'zbekiston Respublikasi FVV o'quv dasturiga muvofiq BT va MOM tinglovchilari o'rtasida maxsus kuch ishlatish mashqlari estafetasi (kross-fit) amaliy-kasbiy sport musobaqalari o'tkazildi.

Musobaqada markaz boshlig'ining birinchi o'rinbosi mayor A.Ochilov so'z olib, sohada olib borilayotgan islohotlar, qabul qilinayotgan qonun, farmon va qarorlar ijrosini ta'minlash hamda yosh harbiy xizmatchilarga berilayotgan imkoniyat va imtiyozlar, tizim uchun ajratilayotgan yangi va zamonaviy turdagi texnikalar ularning afzallik va qulaylik tomonlari xususida so'z yuritdi.



## МАШГУЛОТ

НКМК АЖ ва “Навоийуран” ДК Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш марказининг олис Учқудуқ, Зарафшон ҳамда Навоий sanoat maydonida жойлашган объектларида ёнгин хавфсизлигига масъул бўлган профилактика ходимлари билан объектларда олиб борилаётган ёнгининг олдини олишга қаратилган машғулот бўлиб ўтди.

Текширувлар чоғида бугунги кун талабларига мос ва хос бўлган, янги ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар асосида текширувларни ўтказиш ва аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли таъсир чораларини кўрилиши, олдинги йилларда асосан, тадбиркорлик субъектларини ёнгинга қарши ҳолатини текширув ишларида баъзи бир муаммолар мавжудлигини инобатга олиниб, ҳозирги ишлаб чиқилган ҳужжатларда мазкур ҳолатларни айниқса, содир бўлаётган катта ва ўзига хос ёнгинларнинг барвақт олдини олиш ва бу йўналишда ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш куннинг долзарб масалаларидан бири бўлди.

Бўлиб ўтган ўқув машғулоти жараёнида иштирокчиларга барча йўналишлар бўйича малака мутахассислар томонидан тўғри тушунарлар берилди. Йиғилиш сўнгида шахсий таркибни қизиқтирган саволларга масъул ходимлар томонидан жавоблар берилди.

**Маъруфжон ҲАЙИТОВ,**  
НКМК АЖ ва “Навоийуран” ДК ЁХТТЭМ  
гуруҳ бошлиғи, катта сержант.



Qizg'in va ko'tarinki ruhda tashkil etilgan musobaqada oltita jamoa to'rtta shart bo'yicha bellashdi. Hakamlar hayati jamoalarning chiqishlarini munosib baholab bordilar.

Musobaqa yakuniga ko'ra, 4-guruh tinglovchilari oddiy askarlar I.Ne'matov, Z.Qarshiyev xizmatchilar S.Alixonov va Z.Rahimnazarovlardan tashkil topgan “Yosh qutqaruvchilar” jamoasi g'oliblikni qo'lga kiritdi.

G'olib jamoa va faol ishtirokchilarga markaz rahbariyati tomonidan esdalik sovg'alar va faxriy yorliqlar topshirildi.

**J.SAIDOV,** FVV BT va MOM o'qituvchisi,  
podpolkovnik.  
**J.BOBOQULOV,** oddiy askar.

## UCH AVLOD UCHRASHUVI

Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasida "Uch avlod" uchrashuvi" tadbiri tashkil etildi.



Tadbirda O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan yoshlar murabbiysi, Bojxona xizmatining nafaqadagi general-mayori S.Oripov, Favqulodda vaziyatlar vazirligi faxriysi, nafaqadagi polkovnik A.Komilov va Muhandislik-muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi boshlig'i o'rinbosari podpolkovnik A.Raupov hamda yosh harbiy xizmatchilar ishtirok etdilar.

Uchrashuvda faxriylar o'z mashaqqatli va sharafli xizmat faoliyatlari to'g'risida so'z olib borib, hozirda harbiy xizmatchilarga yartailayotgan shart-sharoitlar haqida ma'lumotlar berib o'tishdi.

Tadbir davomida o'z xizmat vazifalariga siddildan yondoshib, shaxsiy tarkibga namuna bo'lib kelayotgan muddatli harbiy xizmatchilar faxriy yorliqlar bilan taqdirlandilar. Keyin esa konsert dasturi namoyish etildi.

Uchrashuv yakunida "Temuriylar tarixi" davlat muzeyiga sayohat tashkil etildi.

## HUQUQBUZARLIK PROFILAKTIKASI

O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi bo'lim katta harbiy prokurori adliya mayori S.Choriyev, M.Ulug'bek tumani "To'qaytepa" masjidi imom-xatibi S.Mamadaliyevlar ishtirokida Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasida "Korrupsiyaga qarshi kurashish" va "Ommaviy madaniyatning yoshlar ongiga salbiy ta'siri" mavzularida davra suhbatini tashkil etildi.

Yig'ilish so'ngida harbiy xizmatchilar o'zlarini qiziqtirgan savollarga javob oldilar.

**Sh.AHMADALIYEV,**  
Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi  
boshlig'i, kapitan.



Toshkent shahri Yashnobod tumanidagi "Band bo'lmagan aholiga xizmat ko'rsatuvchi Monomarkaz"da O'zbekiston Respublikasi Harbiy prokuraturasi va Qurolli Kuchlar tizimidagi vazirlik va idoralar mansabdor shaxslari ishtirokida jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari, yoshlar, harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolarining huquq va erkinliklari, qonuniy manfaatlarini ta'minlashga qaratilgan ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.

## SAYYOR QABUL

Unda Favqulodda vaziyatlar vaziri o'rinbosari polkovnik X.Alibayev tomonidan Favqulodda vaziyatlar vazirligi tizimida xizmat qilayotgan harbiy xizmatchi va xizmatchilar, ularning oila a'zolari, shuningdek, fuqarolarning turli yo'nalishdagi murojaatlari tinglandi va bayon etilgan masalalar mas'ul-lar ishtirokida ko'rib chiqildi. Asosiy e'tibor murojaatlarni o'z vaqtida qonuniy hal etishga qaratilib, mutasaddilarga vazifalar yuklatildi va ijrosi nazoratga olindi.

FVV matbuot xizmati



## МОЗИЙГА САЁХАТ

Ўзбекистон Республикаси ФВВ Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида таҳсил олаётган тингловчиларнинг дам олиш кунларини мароқли ўтказиш мақсадида тасдиқланган режага мувофиқ Самарқанд шаҳрининг муқаддас қадамжоларга саёхатлар ташкил қилинди.



Салкам уч минг йиллик тарихга эга бўлган ва ҳамиша навқирон Самарқанднинг қайси бир гўшасига назар солманг улкан яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларига кўзингиз тушади. Самарқанд ҳудудида сақланган ва халқимиз томонидан асрлар давомида эъзозланиб келинаётган археологик ёдгорликлар ва меъморий обидаларга ҳам қайтадан жон бахш этилган. Мозийга саёхат тингловчиларга катта таассуротлар қолдирди.

**Ш.АХМЕДОВ,**  
Марказ цикл катта ўқитувчиси,  
подполковник.

## 60 YOSH MUBORAK!

Andijon viloyati FVB Jalaquduq tumani FV bo'limi 11-YQQ smena boshlig'i Ozodbek Sulaymonov uzoq yil shu sohada xizmat qilib kelgan. Xizmati faoliyati davomida ko'plab yoshlarga ustozlik qilgan. Mana endi 60 yoshga to'lishi munosabati bilan hamkasblari, oila a'zolari ishtirokida tantanali ravishda nafaqaga kuzatildi. Hamkasblari uning kelgusi ishlarga muvaffaqiyatlar tiladilar.

**S.ZULUNOV,**  
Andijon viloyati  
FVB axborot xizmati  
boshlig'i, mayor.

## QONUN – USTUVOR

Navoiy viloyati FVB shaxsiy xavfsizlik bo'limi xodimlari tomonidan viloyat FVB va NKMK markaziga qarashli Zarafshon shahar va Uchquduq tumanlari hududida joylashgan obyektlarda faoliyat olib borayotgan Davlat yong'in nazorati inspektorlariga sohaga oid farmon hamda qarorlar mazmun-mohiyati tushuntirilib, kelgusida amalga oshirilishi lozim bo'lgan vazifalar belgilab olindi.



Shuningdek, tadbir davomida sohada korrupsiyaviy holatlarga yo'l qo'ymaslik, shaxsiy tarkibning odob-axloq qoidalariga amal qilishi yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

**N.KARIMOV,**  
Navoiy viloyati FVB shaxsiy xavfsizlik bo'limi  
bosh inspektori, kapitan.

## YOSHLARGA E'TIBOR

Navoiy viloyati FVB va NKMK markazida yosh harbiy xizmatchilar bilan profilaktik suhbatlar olib borilmoqda.

Jumladan, viloyat FVB mas'ul xodimlari NKMK markazining Zarafshon shahr va Uchquduq tumanlaridagi obyektlarda xizmat olib borayotgan yosh harbiy xizmatchilarning xonadonlariga tashrif buyurishib, oila a'zolari bilan suhbat o'tkazgan holda, ularning yashash shart-sharoitlarini o'rganmoqdalar.

**M.UMURZOQOV,**  
Navoiy viloyati FVB  
shaxsiy xavfsizlik  
bo'limi boshlig'i,  
kapitan.



## LOQAYDLIKNING JAZOSI

O'tgan 2022-yil davomida Qashqadaryo viloyatida 982 ta yong'in sodir bo'lgan, soha mutaxassislari tomonidan tahlil qilinganida fuqarolarning hayotdan erta ko'z yumgani va tan jarohatlarini olgan holatlar ham kuzatilgan. Eng achinarlisi, bu raqamlar negizida inson hayotining yotishidir. Keling, hammasini bugundan o'zgartiramiz, hoziroq uyimizdagi barcha jihozlarning sozligiga e'tibor qaratamiz, xavfsizlik choralari ko'ramiz, yong'in xavfsizligini ta'minlaymiz, noxush holatlarni oldini olamiz. Ertaga kech bo'lishi mumkin!

o'zgartiramiz, hoziroq uyimizdagi barcha jihozlarning sozligiga e'tibor qaratamiz, xavfsizlik choralari ko'ramiz, yong'in xavfsizligini ta'minlaymiz, noxush holatlarni oldini olamiz. Ertaga kech bo'lishi mumkin!

o'zgartiramiz, hoziroq uyimizdagi barcha jihozlarning sozligiga e'tibor qaratamiz, xavfsizlik choralari ko'ramiz, yong'in xavfsizligini ta'minlaymiz, noxush holatlarni oldini olamiz. Ertaga kech bo'lishi mumkin!

o'zgartiramiz, hoziroq uyimizdagi barcha jihozlarning sozligiga e'tibor qaratamiz, xavfsizlik choralari ko'ramiz, yong'in xavfsizligini ta'minlaymiz, noxush holatlarni oldini olamiz. Ertaga kech bo'lishi mumkin!

**Shaxboz BOBOMURODOV,**  
Qashqadaryo viloyati  
FVB Axborot xizmati  
xodimi, oddiy askar.

## МУАММО ВА ЕЧИМ

Наманган вилояти ФВБ ҳамда вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамкорлигида семинар ташкил этилди.



Унда вилоят ФВБ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси, вилоят кўп қаватли уй-жой фондини назорат қилиш бўйича вилоят ҳудудий инспекцияси, "Шаҳар-созлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК, вилоят СЭО ва ЖСБ бошқармаси, "Худудга Наманган" ГТФ бошқармаси, "Наманган сув таъминот" МЧЖ, "Наманган электр тармоқлари" корхонаси ҳамда лойиҳалаш институтлари мутахассислари иштирок этдилар.

Семинар давомида вилоят ҳудудида қурилиш объектларини назорат қилиш тартиб-тамомиллари ҳамда лойиҳа ҳужжатларида

белгиланган талабларнинг бажарилмаслиги кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши ёки сўнги вақтларда хорижий мамлакатларда содир бўлаётган кучли zilzilалар оқибатида юзага келаётган турли талафотлар мамлакатимизда сейсмик хавфсизликни таъминлаш ишларини жадаллаштириш, соҳага замонавий ёндашувларни жорий этишни талаб этаётганлиги, бу борада тегишли тадбирларни амалга ошириш лозимлиги айтиб ўтилди.

**Ҳамидулло ЮЛДАШЕВ,**  
Наманган вилояти  
ФВБ бўлим бошлиғи,  
майор.

## PROFILAKTIKA

Chinoz tumani FV bo'limi, tuman IIB, MG hamda SEO va JSB ma'sullari hamkorligida tuman dehqon va buyum bozorida tadbirkorlar bilan favqulodda vaziyatlar hamda yong'inlarning oldini olish, shuningdek, bozorlar xavfsizligini ta'minlash yuzasidan profilaktik tadbirlar olib borilmoqda.



Tadbirlar davomida tadbirkorlar va fuqarolarga yurtimizda oxirgi yillarda bozorlarda sodir bo'lgan yong'inlarning kelib chiqish sabablari hamda moddiy zararlarini to'g'risida tushunchalar berib borilyapti.

**Azizbek QO'SHAQOV,**  
Chinoz tumani FV bo'limi boshlig'i  
o'rinbosari, kapitan.

Республикаимизда пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш, теримга жалб қилинган ҳашарчиларнинг ётоқхоналарида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, пахтани қабул қилиш пунктлари ва қайта ишлаш заводларига хавфсиз ташиш муҳим вазифалардан саналади.

## НЕЪМАТНИ АСРАНГ!

Пахта майдонларидан териб олинган оқ олтинни пахтани қайта ишлаш заводларига олиб бориб топширишда йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда, ташувчи тракторларнинг прицепи орқасига нур қайтарувчи стопниклар ўрнатиш, олиб кетилаётган пахта прицеplarининг устини ёпган ҳолда ташиб бориш мақсадга мувофиқдир. Пахта ташувчи тракторлар пахта пунктларига борган вақтда техниканинг созлиги, техника учқун тутғич билан таъминланган ва техниканинг ост қисмига мой томишидан сақлагич ўрнатилган бўлиши керак. Булардан ташқари, пахта қабул қилиш шохобчаларига кирганда прицеп кузовларини очишда темир болға эмас балки, ёғоч болғадан фойдаланиш, тамаки маҳсулотларини чекиш ва очиқ оловдан фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Юқоридаги тавсияларга риоя қилсак, турли хил ёнғин ҳодисаларининг олдини олган, халқимизнинг миллий бойлиги бўлган оқ олтинни йиғиштириб олишга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Дониёр ОТАМИРЗАЕВ,**  
Уйчи тумани ФВ бўлими инспектори, сержант.



Ҳар ҳафтанинг чоршанбаси – «Ёнғинлар профилактикаси куни» деб эълон қилинган.

## ЁНҒИНДАН САҚЛАНИНГ!

Ёнғин хавфсизлиги хизмати Тошкент вилояти гарнизони ходимлари ушбу талаблардан келиб чиқиб, доимий равишда хонадонларда, кўп қаватли уйларда бўлиб, ёнғинларга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, аҳоли билан ҳамкорликда ушбу нуқсонларни бартараф этиш юзасидан профилактик чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олиш мақсадга мувофиқ. Бир ёқадан бош чиқариб, ёнғин хавфсиз-

лиги қоидаларига амал қилсак, «тилсиз ёв»ни жиловлаган, ўзимиз ва атрофимиздагиларнинг ҳаёти, соғлиги, халқимизнинг маънавий-маданий, тарихий ёдгорликларини асраш ва келажак авлодга етказишга муносиб ҳисса қўшган бўлар эдик.

**Ж.АБДУҚАЮМОВ,**  
Қибрай тумани  
ФВ бўлими ОЁХТТЭБ  
бошлиғи ўринбосари,  
подполковник.  
**Ф.ЮЛДАШЕВ,**  
капитан.

## ЁНҒИННИ ЎЧИРГАНДАН КўРА...

Ўртачирчиқ тумани ФВ бўлими ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш борасида хонадонларда, кўп қаватли уйларда бўлиб, ёнғинларга сабаб бўлувчи ҳолатларни аниқлаш, аҳоли билан ҳамкорликда бу нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш, мана шундай камчиликлар қандай салбий ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтиришмоқда.

Тадбирлар давомида аҳоли кўп йиғиладиган жойларда тадбирлар ўтказилиб, ёнғинларнинг аянчли оқибатлари акс этган плакатлар, видеороликлар, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан кўргазмали чиқишлар намойиш қилиб келинмоқда.

Кутилмаганда ёнғин содир бўлса, қай тариқа ҳаракат қилиш кераклигини ўргатиш, бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан тўғри фойдаланиш тартиби амалда кўрсатиб тушунтириб берилди.

**Ф.МАҲМУДОВ,**  
Ўртачирчиқ тумани ФВ бўлими бошлиғи  
ўринбосари – бўлинма бошлиғи, капитан.

## БЕПАРВОЛИК – ИЛЛАТ

Бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик – ёнғин содир бўлишининг асосий сабабларидир. Электр симларининг қисқа туташуви, янги қурилаётган ва қайта таъмирланаётган биноларда газ ва электр пайвандлаш ишларида, ўчмаган сигарет ташлаш оқибатида, болалар шўхлиги туфайли гугурт, газ плитаси ва бошқа олов билан боғлиқ ишлардаги эҳтиётсизлик сабабли ёнғин ҳодисалари юзага келиши мумкин.

Халқимизни ўт балосидан асраш нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Хонадонлар, хизмат жойларида, жамоат жойларида ўрнатилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш орқали бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга эришамиз.

**Ф.ЮЛДАШЕВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ ходими, капитан.

## ЖАБР КўРИБ ҚОЛМАНГ!

Ёнғинлар натижасида кўриладиган моддий зарарлар катта бўлса-да, инсон ҳаётига бевақт нуқта қўйилиши, шунингдек, одамларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишлари бу «тилсиз ёв» келтирадиган офатларнинг энг даҳшатлисидир.

Айниқса, ёнғинлардан болаларнинг жабр кўриши кишининг кўнглини ўртайдиган ҳолатлардандир. Куйиш жароҳатидан азоб чекаётган болаларни кўриб, ёнғин хавфсизлиги борасидаги лоқайдлигимиз қанчалар қимматга тушаётганлигини ҳис этамиз.

Шифохоналарга тушган беморларнинг куйиш ҳолатларини таҳлил қиладиган бўлсак, асосан газ ва электр иситиш асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини билмаслик каби ҳолатлар бунга сабаб бўлаётганлигини аниқлаймиз.

Бу каби ҳолатларга йўл қўймаслик учун фарзандларимизга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини доимий равишда ўргатиб боришимиз лозим.

**М.УМБЕТОВ,**  
Тошкент вилояти ФВБ ходими, подполковник.

## MAVSUMGA TAYYORGARLIK

Ўзбекистон Республикаси Favqulodda vaziyatlar vazirining birinchi o'rinbosari polkovnik S.Zuparov, Toshkent shahar FVB boshlig'i general-mayor R.Xaydarov boshchiligidagi FVDTga daxldor tashkilotlar rahbar-xodimlari, kuch va vositalari ishtirokida

Toshkent shahrining Olmazor tumanidagi "Miskin" MFY hududida elektr energiyasi va gaz ta'minoti bilan bog'liq uzilishlar sodir bo'lganda mutasaddi tashkilotlarning harakatlarini o'rganish, kuz-qish mavsumida barqaror, uzluksiz va xavfsiz faoliyat

yuritishini ta'minlash bo'yicha o'quv mashg'ulotlari o'tkazildi.

Tadbirlar davomida favqulodda vaziyatlar yuzaga kелganda to'g'ri harakatlanish, uning oqibatlarini bartaraf etishga asosiy e'tibor qaratilib, mutasaddilarga zarur ko'rsatma va tavsiyalar berildi.

**Shavkat IBRAGIMOV,**  
Olmazor tumani FV bo'limi  
boshlig'i, podpolkovnik.



FVV Boshlang'ich tayyorgarlik va malaka oshirish markazida navbatdagi profilaktik tibbiy ko'rik tashkil etildi.

## TIBBIY KO'RIK



Tibbiy ko'rik markaz tibbiyot xizmati boshlig'i podpolkovnik O.Qaroyev va tibbiyot xizmati feldsherlari tomonidan amalga oshirildi. Tadbir davomida respublikamizning barcha viloyatlardan malaka oshirish tayyorgarligi o'quv yig'iniga kelgan 90 nafar harbiy xizmatchilar va xizmatchilar tibbiy ko'rikdan o'tkazildi. Tibbiy ko'rik davomida 10 nafar xizmatchilarda turli ko'rinishdagi surunkali somatik kasalliklar mav-

judligi aniqlandi. Somatik kasalliklar aniqlangan 10 nafar tinglovchilardan 4 nafari stasionar sharoitda davo muolajalarini olish uchun yashash joylarga qaytarib yuborildi. 6 nafar tinglovchilarga esa markaz tibbiyot xizmati tomonidan zaruriy davolash muolajalari amalga oshirilmoqda.

**A.VANOV,**  
FVV BTvaMOM  
tibbiyot xizmati  
feldsheri, oddiy askar.

## ЭСЛАТМА

Ёнгин-кутқарув хизмати ходимлари томонидан жойларда ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, содир бўлганда оқибатларини бартараф қилиш юзасидан бир қатор тарғибот тадбирлари амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирлар давомида аҳоли, давлат ва жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларга ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятлар билан боғлиқ ҳолатлар таҳлил қилинган ҳолда, бу борадаги

билимлари янада мустаҳкамланмоқда. Шунингдек, ёнгин-кутқарув техникалари ва асбоб-анжомлар кўргазмаси ташкил қилиниб, иштирокчиларга улардан фойдаланиш тартиб-қоидалари тушунтирилди. Ёнгин ва бошқа тусдаги фавқулодда вазиятларда тўғри ҳаракатланишга оид эслатма ва буклетлар тарқатилди.

**А.ЯКУБАЕВ,**  
Ислом Каримов  
мажмуаси ЁХТТЭБ  
мутахассиси,  
оддий аскар.

Бекобод шаҳар ФВ бўлими ҳарбий хизматчилари ҳамда ФВДТ ташкилотлари вакиллари билан ҳамкорликда фавқулодда вазиятлар профилактикаси тадбирлари доирасида бозор, аҳоли турар жойлари, ижтимоий соҳа масканлари ва тоифаланган корхоналарда шаҳримиз фуқароларининг ис газидан заҳарланишининг, газ-ҳаво аралашмаси чақнаш каби фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ёнгин

хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик тадбирлар амалга оширилди.



Тадбирда фуқаролар ва ишчи-хизматчиларнинг ис газидан заҳарланиши, газ-ҳаво

чақнаши билан боғлиқ нохуш ҳолатларнинг олдини олиш, ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, ботулизм касаллигига қарши курашиш бўйича тушунтириш ва тарғибот ишлари ҳам амалга оширилиб, эслатма ва йўриқномалар берилди.

**А.ҲАЙИТБОЕВ,**  
Бекобод шаҳар ФВ  
бўлими инспектори,  
катта лейтенант.

“Talimarjon IES” AJ korxonasida yong'inlarning oldini olish maqsadida viloyat FVV xodimlari tomonidan bir qator ishlar olib borilmoqda. Jumladan, korxonaga qarashli sexlarning ishchi-xizmatchilari o'rtasida yong'inga qarshi profilaktik suhbatlar tashkillashtirilib, mavjud yong'in o'chirish avtomobillarining taktik-texnik xususiyatlari hamda unda o'rnatilgan yong'in o'chirish asbob-anjomlarining yong'in vaqtidagi vazifalari tushuntirilmoqda.

Shu bilan birga, korxonaning yong'in xavfsizligi bo'yicha yetakchi muhandisi, profilaktika va yongin nazorati bo'limi inspektorlari bilan hamkorlikda korxonaning barcha sex va hududlariga yong'inni avtomatik ravishda aniqlash va o'chirish qurilmalarining

yong'inga qarshi holati tekshirilmoqda.

Ayni tadbirlar davomida sexlardagi ichki yong'in o'chirish jo'mraklariga o'rnatilgan yong'in o'chirish yenglarini qaytadan o'rash va suv berish yo'li bilan bosim ostida sinab ko'rish, ularga texnik xizmat ko'rsatish,

## TARG'IBOT



aniqlangan kamchiliklarni o'z vaqtida tezkorlik bilan bartaraf etilishiga erishilmoqda.

**А.КАЗАХБАЕВ,**  
“Talimarjon IES” AJ  
OBYXTTEB inspektori,  
katta leytenant.

## TAVSIYANOMALAR RASMIYLASHTIRILDI

Bo'stonliq tumani Ixtisoslashgan ko'p tarmoqli boshqarmasi tomonidan Mustaqilligimizning 32 yillik bayramiga munosib tayyorgarlik ko'rish va uni o'tkazish davrida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish va yong'in xavfsizligini ta'minlash maqsadida, bayram tadbiri o'tkazilishi rejalashtirilgan maskanlar atrofida yashovchi ko'p qavatli va aholi yashash xonadonlari tekshirilib, yo'riqnoma o'tildi.

Yakka tartibdagi tadbirkorlar, do'kon, rasta, savdo va xizmat ko'rsatish shoxobchalari hamda aholiga xizmat ko'rsatuvchi boshqa turdagi xo'jalik yurituvchi subyekt binolari qo'shimcha yong'in profilaktik ko'rigidan o'tkazilib, tavsiyanomalar rasmiylashtirildi.

**Jamol BAHROMOV,**  
ixtisoslashgan ko'p tarmoqli boshqarma  
OYXTTEB boshlig'i,  
podpolkovnik.

**Ro'zimatjon XALILOV,**  
P va NB inspektori,  
katta leytenant.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 4 августда қабул қилинган “Ёнгинлар профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ёнгин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2023 йил 1 сентябрдан “Ёнгиндан огоҳлик” умуммиллий кампанияси доирасида:

• таълим ташкилотларида ёнгинларнинг олдини олиш ва ёнгин содир бўлган вазиятда ҳаракат қилиш бўйича батафсил услубий машғулотлар ўтказилади;

• давлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари ва бошқа ташкилотларда иш жойларида ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитиш ташкил этилади, жумладан, эвакуация режалари ўт ўчириш восита-

## ВАКОЛАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА

ларидан фойдаланиш қоидалари билан таништирилади;

• аҳоли тарқатма материаллар билан таъминланади;

• ОАВда ушбу йўналишдаги мақола, интервью ва кўрсатувлар намойиш этилади.

Кампания доирасида 2024 йилдан бошлаб тадбиркорлар ўртасида “Ёнгин хавфсизлиги аълочилиги” йиллик танлови ўтказилади. Фолибга 100 млн. сўм миқдорда пул мукофоти берилади ҳамда унинг фаолияти 2 йил давомида ёнгин назорати органлари томонидан текширилмайди.

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб, давлат ёнгин назорати органларига қуйидаги

ваколатлар берилади:

• ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган объектларда:

– бир йилда кўпи билан бир мартадан батафсил (дастлабки) текширув ва назорат текширувини ўтказиш;

– жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари, шунингдек, ОАВ ва бошқа манбалардан олинган маълумотлар асосида тезкор текширувлар ўтказиш;

ти органлари томонидан ФВВ тасдиқлаган режа-график асосида ҳар чорақда камида бир мартадан мониторинг ва профилактика тадбирларини ўтказиш.

2023 йил 1 ноябрдан:

• давлат ёнгин назорати органларининг ижобий ҳулосасини олмасдан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини аукционга чиқариш, қурилиш объектлари пойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш ҳамда қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектлардан фойдаланиш учун рухсатнома бериш тақиқланади;

ишларини амалга ошириш жараёнида шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини назорат қилади;

• аҳоли гавжум бўладиган объектларда қонунчиликка мувофиқ ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши устидан мажбурий тартибда идоравий ёнгин назорати ўрнатилади.

2024 йил 1 январдан бошлаб, бозорлар ва савдо комплексларига тегишли бино ва иншоотлар мулкдорларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тартиби жорий этилади.

**Хайрулло МАВЛАНОВ,**  
Уйчи тумани ФВ  
бўлими бошлиғи  
ўринбосари, майор.

# МУСТАҚИЛЛИК КУНИ: ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ?

## ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикасининг асосий миллий байрами – Мустақиллик кунидир. Ушбу байрам 1 сентябрь куни маросимли ва ранг-баранг шаклда нишонланади. Ушбу миллий байрам дўстлик, хайрия ва ҳар томон-



лама ҳурматга таянган халқимизнинг барча орзуларини намойён этадиган байрамдир. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари миллатига, динига ва келиб чиққан ирқига қарамасдан Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида фаол нишонлайдилар. Санъат вакиллари шаҳарнинг истироҳат боғларида ва майдонларида турли шоуларни намойиш этадилар. Кўпгина хорижий меҳмонлар ва туристлар эса қоладиган аънавий намойишларда иштирок этадилар.

Хўш, мазкур мустақиллик байрами бошқа давлатларда қандай нишонланади?

## ЛАТВИЯ

Латвияда 4 май куни Латвия Республикаси Мустақиллиги тикланиши куни концертлар, велопоёгалар ва мушакбозлик бўйича халқаро танлов билан нишонланади.



Латвияда бу кун давлат байрами ҳисобланади. 1990 йил айнан шу куни Латвия собиқ иттифоқи республикаси олий кенгаши кўпчилик овоз билан Латвия Республикаси тикланиши Декларациясини қабул қилган.

"Латвияни кучоғинга бос" деб номланган катта кўламли тadbир 4 май куни бошланиб, 2018 йилда мамлакатнинг 100 йиллиги нишонланишини очиб беради. Tadbир давомида Латвия атрофида мамлакатнинг маънавияти ҳимоячилари рамзи сифатида 100 та эман дарахти экиш режалаштирилмоқда. Эманлар Латвия чегаралари бўйлаб ҳамда пойтахт Ригада экилади.

Ригада байрам куни Озодлик ҳайкали ёнида аънавий гуллар композицияси тузилади.

Кечки пайт соҳилбўйида Мексика, Англия ва Финляндиядан келган меҳмонлар иштирокида мушакбозлик бўйича халқаро танлов бўлиб ўтади. Шу куни жамоат транспортида юриш бепул бўлади.

Юрмала шаҳрида учинчи маротаба Мустақиллик кунига бағишланган велопоёга уюштирилади.

Саҳифани интернет манбалари асосида Масрур САНАЕВ тайёрлади.



## ОЗАРБАЙЖОН

Озарбайжон давлатчилиги тикланиш куни 1992 йилдан бошлаб ҳар йили 28 майда Давлат байрами – Республика куни (Озарбайжон Республикаси куни) нишонланади. Бугунги байрамнинг бошқа номи – Озарбайжон давлатчилиги тикланиш куни. Байрам 1918 йилда Озарбайжон Миллий Кенгаши томонидан Озарбайжон Демократик Республикаси мустақиллигини тантанали суратда эълон қилиниши шарафига ўрнатилган, шу куни Тифлисте (ҳозирги Тбилиси) мустақиллик декларацияси имзоланган. 1918 йилда Озарбайжон Демократик Республикаси ташкил этилиши Озарбайжон тарихида ёрқин саҳифа ҳисобланади. Кейинги йиллар, ўн йилликлар ёруғ воқеалар, катта ютуқлари билан мамлакатнинг ва Озарбайжон халқининг ҳаёт босқичларини ташкил этадилар. Айнан шулар биргаликда ҳозирги мустақил Озарбайжоннинг иқтисодий, ақлий ва маданий потенциалини яратди. Шу воқеалар шарафига Бокуда кўчалардан бири, метрополитен бекати номланган ва "Истиглалият" (мустақиллик) кўчасида мустақиллик декларацияси матни (лотин ва араб ҳарфларида) билан стелла ўрнатилган. Тбилистеда Кавказдаги собиқ подшо вакили саройи зали деворида озарбайжон, грузин ва инглиз тилларидаги ёзув билан ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган.


## АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ



4 июлда Америка Қўшма Штатларида байрам куни ўтказилади. 4 июль 1776 йилда 13 та Штат ҳокимлари Декларациясига қўл қўйишда қатнашдилар. Бу вақтда Америка аҳолиси ва инглиз жангчилари ўртасида низо келиб чиққан эди. Америкаликлар ҳукуматдан ўз ҳақини талаб қилган. Лекин уруш оқибатида шу маълум бўлдики, улар фақат ҳақини эмас, балки инглизлардан озодлигини талаб қилган. 4 июль – Мустақиллик байрами, деб 1970 йил эълон қилинди. АҚШнинг Мустақиллик байрамига аталган байрамлари – Вашингтонда бўлиб ўтади. Бу ерда Президент ва катта лавозимга сайланганлар қатнашади. Шундан сўнг сайр, мушаклар отилди ва ҳар бир уйда шаҳар байроғи осилиб туради.

## ВЕНЕСУЭЛА

5 июль Венесуэла миллий байрами – Мустақиллик кунини нишонлайди. Венесуэла Боливар Республикаси Жанубий Американинг шимолида жойлашган бўлиб, ғарб ва жануби-ғарбда Колумбия, жануб ва жануби-шарқда Бразилия ва шарқда Гаяна билан чегарадош, шимолида Кариб денгизи ва Атлантика океани сувлари билан ювилади.



Республика 23 штатдан, Федерал – пойтахт округидан, 311 та катта ва кичик ороллардан иборат федерал мулкдан иборат. Пойтахти – Каракас шаҳри. Венесуэла президентлик республикаси.

Венесуэла қирғоқлари 1498 йилда навигатор Кристофер Колумб томонидан кашф этилган. 1499 йилда навигатор Алонсо де Оведанинг испан экспедицияси қирғоқни ўрганиб, Маракайбо кўрфазига етиб борди. Сув устида турган ҳиндларнинг қозикли биноларини топиб, испанлар мамлакатни Венесуэла – "кичик Венеция" деб аташди. XVI аср бошларида испан конкистадорлари Венесуэлани мустамлака қилишни бошладилар.

Даярли уч аср давомида Венесуэла Испания мустамлакаси эди. Бутун мустамлакачилик даврида мамлакатда сиёсий бирлик мавжуд эмас эди: 1777 йилгача мамлакат бешта алоҳида провинциядан иборат бўлиб, улар қўшни мустамлакалардан бошқариладиган бўлган.

XIX аср бошларида Жанубий Америкадаги испан колонияларининг мустақиллиги учун кураш бошланди. Унинг раҳбари Франсиско Миранда эди. 1806 йилда у кўнгилчилар отрядини тузиб, озодлик кўзғолони бошлаш учун Венесуэла қирғоқларига бир неча марта тушди.

1811 йил 5 июлда бўлиб ўтган Венесуэла вилоятлари конгрессида Мустақиллик декларацияси қабул қилинди, унга Венесуэланинг ўнта вилоятдан еттита имзо чекди. Декларацияга кўра, венесуэлаликлар янги мустақил давлат яратиш мақсадида испан қироллик ҳокимиятидан узоқлашишга қарор қилишган.

Декларациянинг имзоланиши билан Венесуэла мустақиллиги учун кураш тўхтамади, Франсиско Миранда вафотидан кейин уни Саймон Боливар бошқарди. Аммо бу декларация имзоланган кун Венесуэлада Мустақиллик куни сифатида нишонланади.



# Vaziyat

газетаси

**Муассис:**  
**Ўзбекистон**  
**Республикаси**  
**Фавқуллодда**  
**вазирлар**  
**вазирлиги**

Бош муҳаррир в.б.  
**Азамат СУЙОНОВ**

Газета таҳририят  
компьютерхонасида  
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг  
пайшанба куни чиқади.  
Топшириш вақти — 15:00.  
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:  
**А.ҚОБИЛОВ**

Таҳририятга юборилган  
материаллар қайтарилмайди ва  
изоҳ берилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят  
нуқтаи назаридан фарқлиниши  
мумкин.

Газетадан олинган  
материаллар манбаси  
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2007 йил  
3 январда 0096-ракам  
билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2091-5292**

**Таҳририят манзили:**  
100084, Тошкент шаҳри,  
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.  
Тел.: (71) 231-96-71  
Телеграмм: (90) 016-87-67

**Индекс:**  
якка обуначилар ва  
ташкilotлар учун — 382

Газета  
"BUSINESS PRINT DESIGN"  
босмахонасида босилди.  
**Манзил:** Тошкент шаҳри,  
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.  
Буюртма №  
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т  
Адади — 5400 нусха